

Ўзбек адабиёти бой тарихли, бу—ўзбек халкининг маънавий фахри. Унинг ажойиб намуналаридан бошка миллатлар ва элатлар хам баҳраманд. Бу адабиётнинг турлари ва жанрлари хакида ранг-баранг кузатишлар, тадқикотлар олиб борилган. Кейинги йиллардаги ўзбек насрини кузатиш хам хар жихатдан марокли ва кизикарли. Соҳанинг китобхонлар диккатини тортадиган томонлари жуда кўп. Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, кейинги авлод адаблари хам ўз даврини бойитишга салоҳиятли хикоялари, киссалари, романлари билан хисса кўшмокда. Хозирги ўзбек насрини Мурод Мухаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Назар Эшонкулов, Тогай Мурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шойим Бўтаев сингари бир катор ёзувчиларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг хар бири ўз услублари билан шаклланиб, китобхонларнинг эътиборига тушган.

Ёзувчи Тогай Мурод ижодининг айрим кирраларини баҳоли кудрат кузатишга жазм киламиз. Унинг ижоди хусусида етарли тадқик олиб борилган деб бўлмайди. Адабиётшунос олимлардан Озод Шарафқадинов, Иброҳим Гафуров, Абдугофур Расулов, Умарали Норматов, ёзувчилардан Пиримкул Кодиров, Одил Ёкубов, Сайд Аҳмад ва бошқаларнинг макола, такризларида Тогай Мурод ижоди хакида самимий фикр-мулоҳазалар бор. Аммо унинг киссалари, хикоялари, романлари борасида хали йирик тадқикотлар яратилмаган. Энг муҳими шуки, ёзувчи асарлари ўзбек китобхонларининг эътиборини қозонди, кизикишини орттириб борди. Тогай Мурод «Ўзбек адаблари» номли китобда «ўзбек миллий адабиётининг ноёб вакилидир» деб таърифланади. Бу баҳонинг бежиз эмаслигига кўшиламиз. Унинг яратган асарлари, бу асарлардан келиб чикадиган таассуротлар шундай дейишга асос беради.

Тогай Мурод Сурхон воҳасида, Деновнинг Хўжасоат кишилогида тугилди. Маълумки, Сурхондарё вилояти ўз табиий урф-одатларига, удумларига, анъаналарига, шеваларига бой. Бу юртда «Алпомиш» сингари халк эпослари дунёга келган. Баҳшилари, олимлари кўп бўлган. Шўро замонида бой тарихидан халк тамомила узоклашиб кетмаган. Кўп авлодлар шу маънавий ҳазина таъсирида камол топган. У ердан етишиб чиккан Шукур Холмирзаев, Теша Сайдалиев, Усмон Азимов, Рўзи Чориев, Эркин Аъзамов, Мирзо Кенжабек, Шафоат Раҳматуллаев, Сирожиддин Сайид сингари ижодкорлар асарларига воҳанинг ўзига хослиги, миллий таровати канчалик кўчганлигини хис этса бўлади.

Кишилогидаги мактабни тугатиб, Тогай Мурод Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишига кирди. 1972 йилда дорилфунунни тугатди. Сўнгра Ўзбекистон радиосининг «Ватандошлар» редакциясида, 80-йилларгача эса «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида ишлади. 1982—1984 йиллар мобайнида «Фан ва турмуш» журналида бўлим мухаррири бўлди. Сўнг Москвада Жаҳон Адабиёти институтида ўқиб кайтди.

1976 йилда Тогай Мурод биринчи диккатга сазовор асарини — «Юлдузлар мангу ёнади» киссасини эълон килди. Шу асаридаёқ адабиёт ахлининг эътиборини тортди. 1979 йилда эса иккинчи киссасини чиқарди. Бу кисса «От кишинаган окшом» деб аталар эди. Киссалари китобхонларга жуда маъкул келди, ёзувчидан катта умид борлиги аён бўлди.

Тез орада бу амалга ошди. «Ойдинда юрган одамлар» (1980 йил) киссаси ёзувчи Тогай Муродга шухрат келтирди. 1985 йил унинг «Момо ер кўшиги» деб номланувчи киссаси босилди. Албатта, шу йиллар мобайнида у журналистлик билан хам машгул бўлди. Маколалар ёзди. Булар эътиборни унчалик тортган эмас, лекин матбуотда катор хикоялари билан кўриниб турди. Беш-олти йил мобайнида (1986 —1992 йилларда) «Отамдан колган далалар» романи устида ишлади.

Тогай Мурод истеъдодли таржимон хам эди. Жаҳон адабиётининг баъзи намуналарини ўзбек китобхонлари унинг таржимасида ўкишади. Э. Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрга» ва катор хикояларини Тогай Мурод таржима килган.

Тогай Мурод ижодига эътибор берганлар, табиийки, унинг хамма асарларига хос бўлган умумий, ўхшаш фазилатларга дуч келади. Асарларида ўзбек меҳнатсеварлиги, самимилиги, меҳр-окибатлилиги, фидокорлиги,adolatli iшлар йўлидаги жонбозлиги ўзигагина хос кўтаринки руҳда талкин этилади. Ёзувчи қаҳрамонларини холислик, бегаразлик билан, жуда хаётий акс эттиришга харакат килади. Қаҳрамонларининг деярли хаммаси кишлокларимизнинг олижаноб одамлари — замондошларимиз. Кўз олдимизда ўзимизга кўнгли якин бўлган кишиларнинг киёфаларини жонлантиради. Уларнинг дард-изтиробларига, кувонч-ташвишларига шерик бўламиз. Биргаликда улар билан кайгурамиз ва шодланамиз. Халкимиз орасида Тогай Мурод тасвиrlаган каби замондошларимиз борлигидан фаҳранамиз. Хаётимизда, турмуш йўлимизда у тасвиrlагандек нопоклар хам, галамислар хам,adolatcizlik ва riёkorlik хам учрашини хис килиб, улардан нафратланамиз.

Хамма асарлари хам хаяжон багишлайди. Тасвиrnинг хеч бир жойида бизни ўраб турган табиатдан, вокеликдан йироклашиб кетмайди. Биз нафас олаётган мухитнинг кўринишларини акс эттиради. Атрофимизга зийракрок назар солишга, воеалар моҳиятини чукуррок англашга, тажриба ортиришга, яшшимиз маънисини яхширок хис килишга чорлайди ёзувчи. Тогай Муроднинг ёзувчи сифатида хаётдаги ўз қаҳрамонлари, ўз мавзулари, ўз фалсафаси бор. Унинг қаҳрамонлари биз билан бирга яшаб турган оддий кишилар бўлиб чикади. Нега уларни сезмаган эканмиз, деб коламиз асарни ўкигач. Мавзулари бизни ўйлантирган муаммолар, халкимизнинг кўнглидаги орзу-умидлар. Кисса ва хикояларидан кандайдир хаётий конуниятларни, табиийликни, фалсафий хулосаларни тушуниб етамиз. Ёзувчининг фикр-хулосаларига, асарларидан келиб чикадиган гояларга жуда-жуда кўшилгимиз келади. Энг яхши қаҳрамонлари билан якин бўлиб коламиз. Гўё бу қаҳрамонлар, мавзулар, гоялар Тогай Муроднинг ёзиши учун мавжудлангандек туюлиб кетади. Таникли адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров Тогай Мурод сингари бир катор ёзувчилар ижоди хакида тўхталиб, улар ижодининг умумий ва алоҳида томонларини баён килган эди:

«...Улар ўз темаларини, хаётни ёритиш услуб, йўсинларини топиб олганлар. Уларнинг ижоди ўзига хос йўллардан ўсиб бораётганлигини хеч ким инкор этмайди. Кейинги йиллар ичida уларнинг асарлари ва яратган қаҳрамонлари, услубий изланишлари хусусида бўлиб ўтаётган кизгин баҳслар ва уларда очилаётган адабий хакикатлар шундан далолат бермоқда. Улар адабиётимизга виждони галаёнда бўлган инсон образларини олиб киришга интилмокдалар. Бу йўлда уларнинг ютуклари хам,

йўкотишлари хам оз эмас... Тогай Мурод ўз чикишларидан бирида бадиий адабиёт — инсоншунослик, проблемашунослик эмас, деган фикрни айтди. Бу фикрнинг хеч кандай заарли жойи йўк. Лекин инсоншуносликнинг ўзи асли проблемашуносликдир. Зотан, хар бир инсон хали ечилмаган, зиддиятларга тўла бир муаммо» (Иброҳим Гафуров. Ўттиз йил изхори. Т., 1987, 270-бет).

Тогай Муроднинг каҳрамонлари бадиий тадқикотга ўхшайди. У яратган образлар ички-маънавий олами билан ўзига ром килади. Психологик жихатдан кишини ишонтиради. Каҳрамонларнинг хатти-харакатига шубхаланиб карамаймиз. Худди шундай бўлади ва бўлиши табиий деб ўйлаймиз. Шунингдек, хаётимиздаги локайд ёхуд безовта идроклаб юрганимиз муаммоларга рўпара бўламиз. Уларни ёзувчи билан, каҳрамонлар билан биргаликда хал киламиз.

Тогай Мурод асарларининг бошка ёзувчилар асарларига ўхшамай турадиган томонлари кўп. Ёзувчининг услубида, асарининг тилида буни илгаш осон. Асарлари шеърга ўхшаб кетади. Лекин шеърдаги каби вазн, кофия, шеърий инверсия, шеърий ташбеҳлар унда йўк. Жумлалари киска, халк тилига якин, шеърдаги каби товуш ва сўзлар такори кўп. Бахшиларнинг содда баёнига ўхшатса бўлади буни. Яна бир томони шундаки, миллий урф-одатлар, расм-русумлар, маколлар, сўзлашиб тарзи сурхондарёча йўсинда намоён бўлади. Бутун тасвир ўзбекларнинг кайсицир худуди кавмига тегишли маҳаллий тасвирдек туюлади. Бу гашга тегмайди. Аксинча, том маънодаги ўзбеклар яна бир кавмининг очилмаган кирраларидан лавхалардек таассурот колдиради. Буларнинг хаммасида Тогай Муроднинг маҳорати сезилиб туради. Ёзувчининг дастлабки асарларида маълум тажрибавий камчиликлар бор, албатга. Барча кисса ва хикоялари катта муваффакият билан ёзилган деб бўлмайди. Танкидчиларнинг Тогай Мурод асарлари хакида ёзганларида айrim шу жихатлар кўрсатиб ўтилган. Аммо, умуман олганда, унинг ижоди ўзбек адабиётидан ўз ўрнини топди. Ёзувчининг асарларини ибрат-исбот максадида атрофлича илмий ўрганиб чикишга эхтиёж бор.

Тогай Мурод ижоди учун жуда характерли бўлган бир томонни куйида ёритишга харакат киламиз. Бу хам бўлса, ёзувчининг кисса ва хикояларидаги каҳрамонларнинг маҳаллийлик даражаси масаласидир. Чунки ёзувчи учун чинакам характерлар яратиш канчалик ажойиб орзу бўлса, бу характерларни жонли тасвирлашнинг туб негизи — миллийлик шунчалик ажойиб ниятдир. Хакикий асар миллий бўлади. Вокеликнинг, табиатнинг, каҳрамонларнинг киёфаси, ички олами ишонтираси даражада миллий бўлсагина, асар тасвири китобхонни ўзига ром кила олади. Улуг ёзувчиларнинг, масалан, А. Кодирий, Чўлпон, Ч. Айтматов каби адилларнинг асарлари миллий томонларига кўра хакконий бўлгани учун кадрлидир. Миллийликсиз асар мавхум бўлиб колади, муваффакиятсиз чикади, ўкилишдан тўхтайди. Миллийликка эришган асар бошка миллат китобхонига хам маъкул бўлади. Умуминсоний туйгулар ва таассуротлар эса миллийликнинг ўзидан ўсиб чикади.

Характер ва миллий вокелик. Хар кандай халкнинг адабиётида «характер» деган тушунча бор. Бу тушунча замирида «бадиий характер» англашилади. Бадиий характернинг асоси хаётдаги характерлардан олинади. Ёзувчи бадиий характерни яратиш учун турмушдаги характерга канчалик даражада таянмасин, бир кишининг

хулк-атвори ва хаёт тарзи асардаги бир бадий характернинг тасвирини тўла таъминлай олмайди. Шунинг учун ижодкор бадий тўкима, умумлаштириш, типиклаштириш оркали асардаги характерларни яратишга киришади.

«Характер» деганимизда хар кандай каҳрамонни хам тушунавермаймиз. Тўгри, хар кандай каҳрамоннинг характеристи бор. Лекин каҳрамонларнинг хаммаси бадий характер даражасига кўтарила олмайди. Адабиётшунос Тўхта Бобоев ёзганидек, «...ёзувчи бадий образ яратишда (хаёт каҳрамонларини адабий каҳрамонларга айлантиришда) санъатнинг типиклаштириш-умумлаштириш ва индивидуаллаштириш каби конуниятларига катъий амал килади. Шу сабабли ижодкор учун факат илгор дунёкараш билан куролланишнинг ўзигина кифоя килмайди, у реалистик адабиётнинг конун-коидаларини, приём ва принципларини, маҳорат сирларини хамда бадий ижод методини пухта эгаллаган бўлиши лозим. Хаётий асар яратишда ёзувчи шахсияти, унинг бадий образлар оркали фалсафий фикрлай олиш кобилияти, турмуш хакидаги тушунчалари, дунёкараши, ёзувчилик маҳорати, тугма таланти ва меҳнатсеварлиги катта роль ўйнайди» (Т. Бобоев. Хаёт материалидан бадий образга, Т., Фан, 1976. 11-бет).

Бадий асардаги хамма нарса инсоншунослик учун хизмат килади. Табиат тасвири, кандайдир мулоҳазалар, воқеанинг ифодаси, инсоннинг хар хил кечинмаларини тасвирлаш — барчаси шунчаки баён этиш ниятида амалга ошмайди. Ёзувчи диалогларда, монологларда, кўринишларда каҳрамоннинг психологиясини тасвирлашга, бунга китобхонни ишонтиришга тиришади. Шу билан бир вактда ёзувчи нимани тасвирлаш кераклиги ва мухимлигини ўйлайди. Демак, гоявий-бадий жихатдан изланади, аксинча, характер тасвири ишончли чикмаслиги мумкин. Каҳрамонлар харакатининг жонли, табиий чикиши яна бир мухим муаммони хал килишга bogлик bўлади. Яъни, каҳрамон кандайдир миллатга тегишли одамdir. У маълум бир мухитда — кишиларнинг курсовида, шахар ёки кишлокда, табиатнинг багрида яшайди. Шуларнинг ичиди хаёт кечиради. Ёзувчи табиий равишда кишини ишонтириб бориши керак. Бунинг учун у миллий хис-туйгуни, тафаккурни, ютуқ-камчиликни, шарт-шароитни, миллий тилни, халкнинг тилини, урф-одатини, орзу-интилишларини яхши билиши зарур.

Ёзувчилар кўпинча ўзи улгайган мухит тасвири таъсирида иш кўради. Чунки хеч кайси вокеликни ўзи яшаб кўрган, нафас олаётган мухитчалик яхши била олмайдилар. Ўз тажрибалари уларга ёрдам беради. Биз манбалардан Абдулла Кодирийнинг хаётни канчалик синчковлик билан кузатганини, меҳнаткашлар орасида, зиёлилар орасида, турли тоифа вакиллари орасида бўлиб асар устида ишлаганини биламиз. Ёзувчининг ўзи яхши билмаган хаётни тасвирлаши кўпинча хатоликларга олиб боради. Асари ишонарли чикмайди. Бўш, саёз, ўртамиёна роман, кисса ва хикояларнинг юзага келиши аксар холда шу билан boglik.

Иигирманчи асрнинг охирги ўи йилликлари ўзбек насридаги кўп асарлар замонавий мавзуларда ёзилган бўлиб, улар бевосита куннинг долзарб муаммоларига, хаётимизнинг хар хил кўринишларига багишлиланган. Ўзимиз шу хаётга хамнафас бўлганимиз учун бу асарларни осон тушнамиз. Китобларнинг яхши томонларини ва камчиликларини сезиб турмиз. Лекин ёзувчи ўзига якин хаётнинг мавзуларини канчалик акс эттирмасин, хаётни биздан кўра синчковлик билан ўрганиб ёзмаса, дилимиздаги яширин тасаввурни

юзага чикармаса, натижа яхши бўлмаслиги мумкин. Тогай Муроднинг асарлари, асосан, замонавий мавзуларда ёзилган. Уларда хозирги хаёт кишилари, замондошларимиз тасвирланади. Баъзи воеаларгина асримиз бошларидан бошланади. Ёзувчининг биринчи романи— «Отамдан колган далалар»нинг воеалари асримиз бошидан то хозирги кунларгача келади. Яна баъзи киссаларида (масалан, «Ойдинда юрган одамлар»даги) воеалар тасвири 30 — 40 ва ундан кейинги йилларни камраб олади. Аммо гап факат тарихий давларда эмас. Кўпчиликка асримиздаги хамма даврнинг тарихий характеристикиси якиндан таниш. Чунки давримиз тарихини ўқиб, кўриб ўрганганмиз. Шу сабабли Тогай Мурод кисса, хикоя, ва романлари каҳрамонларини замондошлар деб атай оламиз.

Тогай Мурод учун каҳрамоннинг характеристи, миллий колорит, миллий воеелик бошка ёзувчиларда бўлгани каби мухим. У хам адабиётнинг конуниятларига жавоб беради. Анъянавий тажрибалар изидан боради, янгича услубда ёзишга, бошка ёзувчилар ижодини такрорламасликка, ўз овозига эга бўлишга харакат килади. Натижада бошкаларга ўхшамаслигини намоён кила олади. Пиримкул Кодиров бу хакда шундай ёзган эди:

«Тогай Мурод киссалари адабиётимизга Сурхон водийсининг ўзига хос нафасини олиб кирди, меҳнатсевар, камтар ва танти чорвадорлар, бобонларга нисбатан дилимизда самими мөхр уйготди. «От кишнаган окшом» киссаси «Алпомиш» достони анъаналарини эслатадиган халкчил рух билан сугорилган. Тогай Муроднинг ўзи хам Алпомиш ва Барчинларни берган гўзал водийлар, бепоён яйловларда ўсганлиги унинг сўз бойликларидан, ёзувчилик услуби ва ўзига хос овозидан сезилиб туради. Насрий асарга шеърий жаранг ва кўтаринки рух багишлай олиш кобилияти ёш адабнинг каламига хос энг яхши фазилатлардандир.» (Тогай Мурод. Ойдинда юрган одамлар. Т., Адабиёт ва санъат, 1985. 155-бет).

Ёзувчи ўзииинг ижодини «Юлдузлар мангу ёнади» (1976 йил) киссаси билан бошлаган эди. Кейинчалик киссани бироз кайта ишлаб чиқди, номини ўзгартириб «Давра» деб номлади. Киссада Бўри полvon, Тиловберди, Абил сингари образларни гавдалантириди. Маълумки, ўзбекларда кадимдан миллий кураш ўзига хос ва кизикарли анъана хисобланган. Айникса, Сурхондарё ва Кашкадарё тарафларда миллий кураш кенг расм бўлган, шўро даврида хам миллий кураш кадрини йўкотмаган, тўйларда, байрамларда давом этган. Полvonлар эл ичидаги обрўли бўлишган. Эл уларни кучи-куватига карабгина эмас, самимияти, тантилиги, халоллиги, мардлиги туфайли эъзозлаган. Хакикатан, бу хунар у билан машгул кишини самими, халол, пок, мард килиб тарбиялади. Адолатсизликка бефарқ килиб кўймайди. Полvonлар элнинг чин фарзандларига айланади. Уларнинг хаётлари, хатти-харакатлари одамларнинг кўз олдида кечади. Айникса, миллий кураш жараёнида факат баковул (судья)гина эмас, бутун халк уларнинг характеристини, кадам олишини, хулк-авторини кузатиб туради. Шундай экан, бунда галамислик, риёкорлик, кўркоклик, номардлик килиб бўлмайди. Гирромлик кетмайди. Хато, янглишиш, армон, ожизлик эса юз бериши мумкин.

Полvonларда миллий гурур кучлирок намоён бўлади. Улар ўзининг, кишлогининг, эли, устозлари, кариндошларининг шаънини эсдан чиқаришмайди. Айни пайтда хар хил вазиятлар, келишмовчиликлар, шахсий-оилавий ташвиш ва муаммолар бўлиши

табиийдир. Юзаки караганда, бундай мавзуда бирор асар, кисса ёзиш галатидек тюләди. Ёки ёзувчи хали миллий кураш хакида катгарок бадиий асар ёзилмаганини хисобга олиб күлига калам олгандек күриниши мумкин. Аслида, бундай эмас. Асар воеалари тезда китобхон диккатини ўзига тортади.

Асар бошидаёк миллий вокеликнинг махаллий күринишига дуч келамиз. Асар тўйга чакирик билан бошланади: «Одамлару одамлар, тогда битган бодомлар, эшитмадим деманглар! Бугун ха-а-амма Зулфикор полвонникигатўйга!» «Кимсан, Зулфикор полвон тўй киляпти!».

Тўй тасвири кенг кўламли, лекин зерикарли эмас. Ёзувчи удумлар тасвирини ўта калаштириб ташламаган. Сурхондарёнинг бир оддий тўйида хозир хам шундай рўй бериши табиий бўлган холатларни акс эттиради. Воеалар ёзувчининг кишлоги Хўжасоатда рўй берётир. Болалар тўда-тўда бўлишиб ёнгок, ошик, шумшак, кулок чўзма, дўл, гирбойди, чиллак, зувиллатар ўйнашади. Палов икковора ёки учовора бир тобок сузилади. Яшинмачок ўйин бўлади. Холбой том устида сурнай чалади. Аёллар доира чалиб давра куради. Шу даврада болалар яшинмачок ўйини билан овора. Каердадир оксуяк ўйини бўлмокда. Миллий кураш — олиш бошланади. Эл ичида донг таратиб кариган полвонларни ёлгондакам олиштириб, лекин ростдан соврин бериш хам рамзий бир расмдир. Сўнгра энг кичик ёшдагиларни хазиломуз олиштириб, давра курашчиларини катталаштириб бориш тарзи хам расм. Ёзувчи қахрамоннинг рухиятини синчковлик билан кузатади. Одил, халол баковул Бўри полвон турли жойлардан келган полвонларни кузатар экан, ўзининг хўжасоатлик полвонларини хайриҳохлик билан эсда тутади. «У ачиниш билан шуни хис этдики, инсон канчалик одил, танти бўлмасин, барибир ўз юрти, элига тортар экан...». Баковул Бўри даврадан хиёл чикиб, оксоколлардан Амир полвоннинг тирсагидан тортиб шундай дейди:

« — Полвонларинг хар ерда ўтлаб юрибди, у нима ўтириш? Менга кара, зўр-зўрларини бир ерга йиг, шўрчиликлар кепти... Тушундингми? Ўзинг бош бўл. Курга тартиб билан чикар. Шошма, етти ўлчаб бир кес, шўрчиликларнинг ўнги-чапига эътибор кил. Кайтариб айтаман, факат шўрчиликларга кўз тикинглар. Бинойими?» У Тиловбердини давранинг охирига асрарни, яна бир бакувватрогининг бекиниб ўтиришини тавсия килади. «Ўз кишлоги полвонлари маглуб бўлганда бутун вужуди кизиб, калтироктутади».

Тасвир давомида хатто курашдаги махаллий хусусиятларга табиий равишда аниклик киритиб юборилади. Сариосиёнинг Тўпалангдарё ёкасида бўлган бир кураш лавхаси хикоя килинади. Бўри полвон умрида биринчи марта фаргонача курашни кўради. Давра эгаларининг кўпчилиги асли Фаргона водийсидан бўлиб, Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан Сурхон водийсида колхоз тузиш учун кўчиб келтирилганлар ва шу ерда яшаб колганлар эди. Водийликлар олишни кураш дер эканлар. «Ўзи хам мулоим халк-да, — деди Бўри полвон ўзича, — жуда мулоим. Курашлариям ўз табиатидан кеп чиккан. Мана биз ўлгудай кўпол халкмиз. Курашимиздаги мардоалик, ботирлик хам шундан. Ха, майли, халк турли-туман бўлгани яхши. Бу — улканлик, улуглик аломати. Мана, фаргонача кураш. Уям ўзимизники. Демак, иккита курашимиз бор экан. Кандай яхши! Бойлик! Аммо-лекин уккагарлар кўп ашулачи халк-да...».

Бундан ташкари, сурхонча «олиш»га якин спорт турлари хам персонажлар тили оркали киёсланади. Олишнинг афзалликлари, фазилатлари, унинг жахон спорт турлари даражасидаги ахамияти таъкидланади. Эпизодлардан бирида куийдаги диалогни ўкиймиз:

- « —Шу Максим полвон жуда совук олишар экан, нима дедингиз?
- Спортчи-да, секцияда тарбия топган. Улар китобда нима ёзилган бўлса шуни килади.
- Телевизорда Монреаль олимпиадасини кўрдиларингизми? Классик курашни олиб кўрсатди. Бирам совуг-э, шуям олиш бўлди-ю...».
- « — Мен якинда самбо олиши хакидаги китобни кўрдим. Хамма чилларнинг расми бор. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, оёқдан олишдан бошка хаммаси ўзимизнинг олишда бор экан-е».

Зулфикор полвоннинг тўйида берилган олишнинг тафсилоти батафсил бўлиб, киссадаги тасвирнинг асосини камраб олади. Аммо олиш жўн баён килинмайди. Киска-киска лавхалар, эпизодлар тарзида кураш тасвири бериб борилади. Бу эпизодлар орасига баковул Бўри полвоннинг элас-элас хотиралари (улар хам киска лавхалар сингари) келиб-кетиб туради. Ёзувчи олишнинг эпизодларида бу ўзига хос спорт ва ўзига хос санъатни икир-чикиригача талкин килади. Узундан-узун баён килиб ёки изохлаб бермайди. Холис тасвиirlайди ва хис килиш, тасаввур этиш имконини яратади. Асарда полвонлар образлари, уларга хос фазилатларнинг кўлами, гуурларининг кўринишлари чукуррок очилиб боради. Кўз олдимизда мардларча давра айланадиган, чўккалаб ерни тавоғ киладиган, икки кафтини ерга суйкаб, юзларига фотиха тортадиган, кўр тўрида ўтирган чоллар рўпарасида тик туриб ок фотиха оладиган хайбатли полвонлар намоён бўлади.

Хуллас, Тогай Мурод бу кадимиј санъатни кучли бир мухаббат билан тасвиirlайди. Миллий олишнинг нозик хусусиятларигача бадиий талкин кила олади. Юкоридаги бадиий парчада кўрганимиздек, сурхондарёгагина хос бўлган олиш ва унинг ўзига хос томонларини фаргонача кураш ёки самбо сингари спорт турлари билан табиий воеалар муносабати оркали солиштиради. Бу билан маҳаллий-миллий воееликнинг кўп фазилатларига, шу тупрок одамларига, хаёт тарзига, танти полвонларига самимиј мухаббатини изхор килади. Хар кандай санъат ва адабиётнинг хакикий миллийлиги худли шундай аник кўринишлардан, миллий ифтихордан ўсиб чикади. Бу холат Тогай Мурода, жуда самимиј, холис, меҳр-мухаббатга тўла. Ўзга киёслар ўзбекона урфларга бўлган ифтихорни тўлдиради.

Асарнинг бош қаҳрамони ўша, баковуллик килаётган Бўри полвондир. Полвонлик билан боглик асарда неки бўлса, барчасини биз у оркали хис киламиз, бу санъатнинг фалсафасини Бўри полвон оркали шархлаймиз. «Биласиз,— дейди у,—злскагар ўша самбодаям, эркин курашдаям, классик кураш, дзюдо деганидаям —барча-барчасида полвон дустаман (юзтубан), ё ёнбosh йикилса, ё тиззалаб ўтириб колса, иккинчиси халол

йикитаман деб, бечора полвонни судраб, ерга пийпалайди. Ё бўлмаса, бирор жойини кайиради. Ерда думалаб ётган одамни судрайди-я! Ё, пирим-э, ё, пирим-э... Бу эркакнинг иши эмас! Эркакмисан — оёгида тик турган эркак билан олиш!»

Бу сўзлардан сурхонча олишнинг халоллик талабарини хам, баковул Бўри полвоннинг халол карашлари ваadolатлилигини хам, унинг ўзига хос шевасини хам, спорт турларида мардлик асосий вазифа эканини хам тушуниб етамиз. Бокеалар ичидаги Бўри полвон-баковулнинг ёшлик хотираларийгина эмас, полвончилик тўгрисидаги ўй-кайгулари хам берилади. Унинг куйидаги хаёlinи кузатайлик:

«Халк нимаси билан халк? Эзгу урф-одатлари билан халк! Ота-бобосидан колган яхши анъаналари билан халк! Кўпчилигини билиб-билмай, билиб-билмай унтиби юбордик. Ахир, халк соф тили, пок дили билан, аллаю гиряси билан, меҳнату матонати билан халк!.. Авлодлар алмашган сайин... Юрак йўколиб боряпти!..».

Бўри полвон олишув анъанасининг кейинги такдири хусусида кайгуради. Ўгли Тиловбердининг ютукларидан кувонади, маглубиятидан алам чекади. Баковул сифатида унинг ёнини олмайди. Баҳолашда одил бўлади, ўглини хам аямайди. Узок ёшликтаги кураш лавхаларини тез-тез ёдга олади. У ёшлигига, вакти-соати келиб, йикилмай-йикилмай юриб ўзидан ёшрок, зўррок полвон — Исмоилдан хаётида биринчи бора чинакамига йикилади. Олиш учун каригандек туюлади ўзига. Бирок номуси майдонларни шундай ташлаб кетишга йўл кўймайди. Исмоил полвон каерга тўйга бориб, даврага тушса, унга таъриф бериб таниширишади. «Бўри полвоини хам юлдуз санатган, кўкрагини ерга текизган Исмоил полвон» деб макташади. Ўша йиллар Бўри полвоннинг халовати кочади. Хар тўйда Исмоил полвонни таъкиб этиб, курашиб мавридини пойлайди. Бу таъкибдан хатто Исмоил полвон чўчинкираб колади. Термиздаги бир тўйга Бўри полвон келиб, Исмоил кўрмасин учун машинанинг кабинаси ичидаги бекиниб ўтиради. Исмоил даврага чикиши билан Бўри полвон талабгор бўлиб даврага отилиб чиқади. Лекин Исмоил хакикатан зўр экан, уни йикитиш осон кечмайди! Ёзувчи Бўри полвон характеристининг шу вазиятдаги тасвирини, айникса, жозибали чизади. Бўри полвон чарчайди, хамрохига суюнади, ўз аждодларидан, отасининг пиридан мадад сўрайди:

«Отагинам, мен хамиша сизнинг насиҳатларингизга амал килиб келдим. Сиз айтар эдингиз: полвон ўзини уч балодан асрасин, энг биринчиси — аёлбозлик! Отагинам, ёшим ўттизга етибдики, оёгимни кийшик босмадим, харом-хариш йўлларга юрмадим. Хали уйланмадим хам!

Иккинчиси — ичкиликбозлик, дердингиз. Отагинам, мен халигача оғзимга арок олмадим. Ундан хазар киламан.

Учинчиси — полвон ўзини нафс балосидан асрасин, дегувчи эдингиз. Отагинам мол-дунё учун олишмадим. Мол-дунё хирсидан ўзимни хамиша саклаб келдим...».

Бўри полвон шу галдаги галабасидан кейин майдонни тарқ этади. У эл орасида орттирган халол обрўини саклаб колади.

«Давра» киссасида ўзбек халкининг бир кисми бўлган воханинг ўзига хос хаёт тарзини, удумларини тасаввур киласиз. Демак, халқда маълум бир анъана, урф-одатнинг умумий кўринишлари мавжуд бўлганидек, маълум бир анъана маҳаллий жихатдан хам ўзига хосдир. Ана шу ўзига хосликлар, фаркли томонлар айни пайтда катта ўзбек халкининг фазилатларини янада серкира, гўзалрок кўрсатади. Буни бош каҳрамон Бўри полвоннинг хаёллари оркали кузатдик. Бўри полвондан бошкалар хам сурхон олишлари, тўйлари тасвири каҳрамонларидир. Уларнинг кўпчилигига ўз феъли, табиати, ахлоки, характеристери сезилади. Уларнинг жонли чикишида шубҳасиз ёзувчининг тўй-кураш манзаralарини хакконий билиши катта роль ўйнаган. Асадаги расм-руsum, урф-одат, кийим-кечак, ўйин-кулги тасвирлари миллий колоритни кучайтиради, каҳрамонлар киёfasини янада жонлантиради.

Бош каҳрамон Бўри полвон халкнинг талабига кўра баковуллик килмоқда. У даврада кўзи ожиз бўлиб колган Насим полвон ўтирганини кўриб колади. Баковуллик жараёнида Насим полвон билан боялик хотираларига берилади. Хамма гап асар сюжетининг ана шу томонида. Ёшлигига ота-оналари Бўри полвон Насимнинг киёматли дўсти бўлсин деб, тўн ёптиришган. Улар энди кадрдон, aka-укадек. Аммо хаёт Бўри орзу этгандек натижалар бермайди. Далада ишлашган кезлари Бўри полвон Момокизни яхши кўриб колади. Ёзувчи мана шу севгида каҳрамонлар туйгусининг характеристи, ишончли ўзига хослигини бера олган. Бу севги ўлдим-куйдим эмас, узундан-узок ишк изхори эмас. Калб сирини Бўри Насимга ишонади: «Насим ошна, бир гап айтсан, бирорга айтмайсанми? Ошна, Момокиз яхши, эшитяпсанми, у яхши...».

«Насим ошна, сен Момокизга айт, Бўри сени тушларида кўради, де. Сенга киёкни дўржирок беришида гап бор, де».

Бўрининг бекиёс хаё билан лиммо-лим илк муҳаббатини, «биринчи кўнгли»ни шу сингари киска ифодалар чукур очади. У дўсти Насимни кўп ардоклигиси келади. Чунки киёматли дўст тутинишнинг вазифаларини Бўри жуда мукаддас деб билади. Гарчи киссада бундай фикр бўлмаса хам, китобхон шуни хис килади. Бўри билан Насим ўртасидаги кейинги сухбат бундай:

« —Насим ошна, у нима деди-а? Кўзингни очиб айт, нима деди? Ё уялиб индамадими? Насим унга ўгирилди.
— Бўри, мен гапларингни оқизмай-томизмай айтдим. Бўри ошнамга сенсиз кундуз хам коронги, дедим.
— Ух, бормисан, ошна! У нима деди?
— У, э, бети курсин, деб кўл силтади, шўр-а. Сенга кўнгли йўқ экан. Ишонмаяпсанми?
Мана, киблага караб айтаман: агар ёлгон айтсан кўр бўлайин». Насим Момокизга дўстининг гапларини бошкача килиб етказган. Айтишга чидамайдиган гап, деган. Сен билан ўйнагиси, кўйнингта киргиси кепти, дейди. Албатга, бу гапдан сўнг кўнгли бўлса хам, Момокиз тузук жавоб бера олар эдими? Асадинг калбларни ларзага солувчи бу воқеасида сюжетнинг аёл жозибасини таъминловчи, ёзувчилик коидасига хос бироз яширин сир-хикматлар бор. Ва яна ўсишда бўлган барча акл эгаларининг идроклаши учун очик айтилмай тўғри килинган бир аччик хакикат хulosаси бор: бегубор илк севги бошка, нафсу хирс бошка: Дўстининг бегубор севгиси хабарини Насим

Момокизга хирс, тан ошиклиги хабари килиб етказди.

Шу воеа икки дўстни бир-биридан ажратади. Бўри полвон— хаёли, ориятели, нозик табиатли киши. Момокизга кўнглидагини журъат килиб айта олмайди. Гапини эса дўсти ёлгон етказиб, яна уни алдаганини ўзи бир эпизома тан олади. Шу пайт Момокиз сари кетаётган Бўри полвон тўхтаб колади. Бўри полвоннинг бу тўхтаб колишида драматизм кучлидир. Бир томондан, Момокизга дўстининг мухаббати, иккинчи томондан, дўстининг мухаббат деб унга килган хиёнати. Шу-шу икки дўст орасига яширин—ўзларигагина аён низо тушади. Бу воеалар элга ноаён. Насим Момокизга уйланиб кетади. Характерида садокатсизлик, ожизлик, писмиклик, ўз манфаатини ўйлаш бор. Кейинчалик бир тўйда Бўри полвон курашади-да, ўзини, садокатсиз бўлолмаслигини кўрсатади.

Насимни хиёнат, касам хакикатан кўр килади. Бўри полвон бир томондан ачингандек бўлади. Тасодифни карангки, ўгли Тиловберди (тўрт киздан кейинги ёлгиз ўгли) полвон олишуви керак бўлган Абрај полвон Насим ва Момокизнинг ўгли экан. Тиловберди маглубиятга учрайди, Насим ошкора голиблик нашидасини сездиради. Аммо Бўри полвоннинг унга самимияти йўколган эмас. Кўнгли юмшаб кетади. Рухиятида иликлиқ, раҳмдиллик уйгонади. Насим полвонни багрига босгиси, унинг соколларига пешонасини суйкагиси келади. Бирок яна ўзини тўхтатиб колади.

Бўри полвон собик киёматли дўсти Насим билан хаёлан гаплашади. Бундай тасвир киссага янада ўзига хос гўзаллик, хузур багишлайди. «Айтгандай, Насим ошна... Бизнинг Момокиз омонми? Тани-жони сог, ўйнаб-кулиб юрибдими? Вакти хушми? Уям каридими? Ошна, мен Момокизнинг кариганига ишонмайман. Хаёлимда Момокиз халиям ўша Холвачининг кирларида юргандагидай...».

Киссанинг сўнгидаги Бўри полвоннинг хаёллари, мулохазалари, хаёт хакидаги хulosалари ўкувчининг диккатини янада ўзига жалб килади. Бўри полвон образи янада олижаноб калб эгаси, матонатли, садокатли, меҳрибон ва мунис инсон сифатида талкин килинади:

«Насим ошна, мен ўз гапимни Момокизга айтольмай колдим...

Аммо мен ўз умримдан шукур киламан, ошна. Ўзимга-ўзим айтаман: Бўри полвон, сен йигит бўлиб эдинг, ана, биринчи кўнглинг бор, дейман...

Насим ошна, Момокиз халиям кўнглимнинг туб-тубида яшайди. Уни бирор хам, хатто Тиловбердининг онасиям билмайди.

Мен Момокизни уйкуларимда кўраман. У жилмайиб караб туради. Кўзларимни очсам, уй зимиштон, ёнимда Тиловбердининг онаси ётган бўлади. Ай, онаси, Момокиз келди— мен уни кўрдим, дегим келади...»

«Давра» киссасининг каҳрамонлари — полвонлар. Тогай Мурод уларнинг маънавий оламини, ички дунёсини, хислатларини, хаёт тарзларини чиройли талкин кила олган. Бўрибой, Насим ва Момокизнинг севги саргузашти асарнинг иккинчи планида дейиш тўгри бўлмайди. Каҳрамонлар маънавий дунёсини асарнинг бу тасвирисиз етарли хис килиш мумкин эмас. Шунинг учун хам С. Мирвалиевнинг «Ўзбек адиллари» китобида ёзилган: «Бу кисса ўзбек адабиётига тугма истеъдод эгаси кириб келаётганидан дарак берди. Киссада Бўри полвон, Тиловберди, Абил полвон образларида ўзбек миллий кураши бадиий ифодасини топди» деган таъриф асарни етарли характерлай олмайди. Чунки асарнинг биринчи планида Бўри полвоннинг, колаверса, Насим полвон, Момокиз,

Тиловберди ва бошкаларнинг характерлари туради. Кураш эса характер учун «хизмат килади».

Ёзувчининг маҳоратли томонларидан бири шундаки, у тўғридан-тўғри бўлмаса хам, икки йўсингаги «кураш» манзараларини баравар тасвиirlаб боради. Биринчиси — сурхончасига олишиш, иккинчиси — инсон маънавиятининг хилма-хил кутблари кураши. Бу йўлда Бўри полвонга карши Насим образи туради. Вокеаларнинг гохида олишув майдонига, гохида севги хотираларига алмашиниб туриши табиий холда кишини икки хил курашни киёслашга даъват этади. Тогай Мурод киссада ўз индивидуал услубини юзага чикара олган. Жумлалар киска, пишик, халконадир. Ортичча баён ва тафсилотлар йўқ. Киноя, кочирик ва хазил-мутойибалар асарниг бадиий кимматини оширган. Булар миллий вокелик ифодасини, қаҳрамон характерини ёркинрок тасвиirlаш имконини берган. Миллий вокелик рўй-рост тасвиirlанмаган жойда қаҳрамоннинг характерини ишонарли чикариш мумкин эмас. Бу икки томон бир-бирига мутаносиб, уйгун бўлиши зарур.

Шундай асарлар бўлади: уларда мавзу бевосита миллий урф-одат, расм-руsum, анъаналар тасвирини такозо килмайди. Ёзувчи конкрет тарихий вокеликдаги кишиларнинг фаолиятларини, орзу-интилишларини бадиий талкин килади. Асар марказига инсоннинг кечинмаларини, билиб-бilmай килаётган харакатларини кўяди. Бундай асарда хам китобхон замондошларининг ёки тарих бўлиб бораётган авлодларнинг маънавий томонларини аник ишонч билан тассавур этиши, хис килиши керак. Бундай асарда хам тасвиirlанаётган вокелик миллий заминига кўра хакконий ва хаётий бўлиши даркор. Ёзувчи Тогай Муроднинг бошка киссаларидан фарқ килиб турадиган «Момо ер кўшиги» асари (1986) адабий жамоатчилик диккатини тортган эди. Бу асар бошка асарларидан фаркли ва у миллий-маҳаллий анъаналаримиз тасвирига тўғридан-тўғри ёндошадиган асарлари туркумiga кирмайди. Кейинрок ёзувчи бу киссани «Кўшик» деб кискарек номлади. Кўпчилик унинг асосий мавзусини миллий заминдан йироклашган зиёлилар хакида, юртнинг улугвор муаммоларини рўкач килиб, аммо одамгарчиликдан узоклашиб келаётганлар хакида, 80-йиллардаги Гарб адабиётига сигинди ижодкорлар хакида, бир сўз билан айттанди, ёлгончи мафкура курбонлари хакида деб тахлил килади. Хакикатан хам шундай.

«Кўшик» асарида Тогай Мурод каламга олган мавзу биз учун, адабиёт учун мухим. Бу киссада хам ёзувчи ўзбек халкининг ўзига хос хаёт тарзини ифода этиш йўлидан боради. Кишлок хаётининг яхши-ёмон муаммолари ўртага ташланади. Буни хис килиб турамиз. Аммо гап қаҳрамонларининг характерига бориб такалганда ёки бошка киссаларидаги характерларга бундаги қаҳрамонларнинг бадиий кимматини солиштирганда, бошкacha хулосалар чикаришга тўғри келади.

Киссанинг бош қаҳрамони Турсункул Орзикулов бўлиб, ижодкорлик, шоирлик хаваси билан ўзига Пахлавон Даҳо деган тахаллус кўйган йигиттир. Тасвир отасининг ёшлигидан бошланади. Отаси сержант Орзикулов деб ном олган. Армиядан келиб кишлокда ота-онасига ва бошкаларга ўрисча гапираверади. Хаммага «сержант Орзикулов» дея таништиради ўзини. Шу-шу сержант Орзикулов бўлиб колади. Отасининг пўписаси, калтаги билан ўз тилига кайтади. Уйланади, икки кизли бўлгач, урушга бориб

келади. Икки кизи нобуд бўлади. Кейинги кизи хам турмайди. Худо ўгил беради ва уни Турсункул деб атайди. Хуллас, Орзиколов энди босилиб колади ва умр бўйи кишлокда подачилик килади. Ўгли шахарда ўкиб кайтади. Уйланиб икки фарзандли бўлади. Кишлокдаги маданий колокликдан кочиб, шахарга яна кетади. Сержант Орзиколовдаги баъзи ўрисча гапиришдек сифатлар Турсункулда намоён бўлади. Унга кишлок ёкмайди, исми-фамилияси ёкмайди. Бола-чакаси кута-кута кетиб колади. Шон-шуҳратни ўзига ўхшаган шоирларга кўшилиб орзу килади. Шуҳрати баланд Улуг шоир каби машҳурларга хасад килиб юради. Асар охирида унга душманлик йўлига ўтишади. Гоҳ ишли, гоҳ ишсиз юради, ижарада яшайди.

Кейинги воеалардан кўринадики, Тогай Мурод Даҳо шоир образини умумлаштириб, шерикларининг тасвирига нисбатан кинояни кучайтириб юборади. Бошкacha маромда бошланган асарнинг ифода тарзи жуда ўзгариб кетади. Мафкурачиларда хам хасадгўйчилик, душманлик, оиласдан узоклашиб, хатто ота-онага окибатсизликнинг борлиги аник. Кишлокни менсимай, ўзини катта тутиш холлари кўп. Аммо Даҳо шоирнинг аник образдан умумлашма бўлиб кетиши сунъийликдек туюлади. Кўпинча салбий хусусиятлар кишлокдан чиккан Даҳо шоирга ортиқ даражада тикиштирилаётгандек. Натижада Даҳонийг шунчалик тубан колганига руҳият тасвирига кўра ишонгингиз келмайди. У болаликнинг ширин хотираларидан, фарзандларига бўлган оталикнинг табиий-инстинкт меҳридан, севиб олган хотинига мухаббатидан, ота-онасига хурматидан, нахотки, шунчалик узоклашиб кетса? Асар охирида отаси «подага кара» дегандек, илтимос-васият килгандек бўлгач, аслига бироз кайтади. Бундай психологик тез ўзгариш унчалик ишонарли эмас.

Киссада Тогай Мурод услугига хос фазилатлар сезилиб турса-да, характерлар талкини жозибали равишда тўла типиклашган ва индивидуаллашган деб бўлмайди.

Тогай Муроднинг «От кишнаган окшом» киссасида хам «Давра» киссасидаги каби миллий удумлар ва каҳрамон характеристи маънавий олам тубанликлари билан тўкнашувда тасвирланади. Танкидчи Иброҳим Гафуров «Изхорга эҳтирос хам, нафосат хам ярашади» деган маколасида яратилаётган образларнинг маънавий поклиги ва фаоллиги тўғрисида фикр юритади. Маколада Тогай Мурод ижодига тўхталади:

«Тогай Муроднинг «От кишнаган окшом» киссасидаги Зиё мерган табиатида хам шундай фаол инсонийлик етакчилик килади. Унда мардлик фидокорлик даражасига, фидокорлик инсоний бойлик даражасига ўсиб чикади. Зиё мерган ўзини бошкалардай, бошкаларни ўзидай кўради. У яхшилик учун курашдан тоймайди. Унинг яхшилик хакидаги тушунчалари халкнинг калбидан олинган». (Иброҳим Гафуров. Ўттиз йил изхори. Т., Адабиёт ва санъат, 1987., 234-бет).

Ўзбек юртининг миллий кўринишлари, яшаш шарт-шароити, кишлокдаги меҳнаткашларнинг феъл-атвори бу киссада таъсирчан тасвирланади. Киссадаги от образи — Тарлонни, кўпкари воеалари, Зиёдулла чавандознинг отга ва кўпкарига мухаббатини Тогай Мурод маҳорат билан чизади. Куйидаги тасвирдан буни илгаб олиш мумкин:

«Тарлонни кашиладим. Омборхонадан от абзалларини: терлик, беллик, чирги, боз, жаханник, жул, пуштон, куюшкон, юган, күпчик, узангили эгарни күлтиклаб келдим. Тарлонни эгарладим. Огзига сувликни солиб юганладим. Пешонасига дўлана шохидан бўлган кўзтумор илдим. Каппайган хуржунни эгарга ташладим. Узангига оёк солиб, эгар кошидан олдим».

Хаётдаги алгов-далгов воеалар жамиятнинг хамма соҳалариға кандайдир таъсиrlарини кўрсатади. Киссада ёзувчи шундай воеалар тасвирини эътибордан сокит килмайди. Бир замонлар бўлдики, отларни турли баҳоналар билан давлат номидан йигиштириб олдилар. Зиёдулла чавандоз отсиз, Тарлонисиз яшай олишини тасаввур килолмайди. Отини яширишга мажбур бўлади ва куткариб колади. Тарлонни жабдуклаб, Обшир кишлогининг кунботаридағи ок тупрокли адирлар, тепалар томонга кетади. У ерда камарлар кўп. Кечаси камарлардан бирига отини бoggлаб, кайтиб келиб ётади. Ундан отни талаб килишади. От миниб босмачи бўлмокчимисан? Товук,, кўйларинг кўп, хамма нарса магазинда бор, кандай жамиятда яшаяпсан, кўпкари деганинг эскилил саркити, деб пўписалар килишади. Ўн кун камаб кўйишади. Тарлонни айтмайди.

«Биродарлар, неча-неча корабайирлар, бурночлар кетига караб-караб, кишнаб-кишнаб кетди. Неча-неча жийронлар, саманлар гўшт бўлди. Кишлокда отлар кишнамай кўйди. Сахарлари кўчада от туёқдари тикилламай колди. Окшомлари отлар тарсиллатиб, ер тепинмай кўйди. Адирларда отлар айгирига эргашиб дупур-дупур чопмай колди»,—деб хикоя килади Зиёдулла чавондоз.

Зиёдулла шахарга келиб тўсатдан бир воеага аралашиб, гувоҳ бўлиб колади. Ўгрилик содир бўлади. Бекасам чопонлик бир кишининг пулини бир бола ўгирлаган. Боланинг шериклари бу кишини уриб, кутилиб кочишади. Кишини касалхонага жўнатишади. Зиёдулланинг виждони сохта гувоҳлик беришга йўл кўймайди. Халиги ўгрилар ушлангач, Зиёдулла ўгрилар шулар эканини тасдиклайди. Жиноятчиларнинг бошка шериклари сулдан кейин унинг оркасидан етиб келиб, уни ўлдирмокчи бўлишади. Торлон каттик кишнайди ва эгасининг душманларига ташланиб, Зиёдуллани куткариб колади. Одамга одамнинг айрича меҳри бўлиши керак бу хаётда. Лекин отчалик меҳри бўлмаган галамисларга нисбатан нафратимиз кисса сўнгти сахифаларида кучайиб кетади. Айникса Зиёдулла чавондознинг отига тикилиб айтган сўзларида адолат билан адолатсизлик хислари тўкнаш келади:

«Тарлон-ай, нима кунларга колдик? Тушда бўляптими, ўнгдами? Сен фаркламасанг, мен фарклай олмай колдим, Тарлон. Халиgilар кандай жонзот эди, Тарлон? Оёклари икков, кийимлариям бор. Син-симбати одамга келбат беради. Одамга менгзаб гапиради, кулади. Билмадим, Тарлон, билмадим, сен билмасанг, мен билмадим. Мен сени биламан, Тарлон. Улар менга бегона...

Аё, Тарлон, сен менинг укамсан. Бўлди, мен энди уларни укам демайман. Менинг укам сенсан. Сен менинг укамсан, Тарлон. Ўзиям менга ўхшайсан. Ука акасига ўхшайди-да... Аё, Тарлон, сен менинг биродаримсан. Бўлди, мен энди уларни биродарим демайман. Менинг биродарим сенсан...

Аё, Тарлон, сен менинг киёматлик биродаримсан, киёматлик биродарим...».

Зиёдулла ўз умрини от билан канчалик бoggлабан бўлмасин, Тарлондан бу кадар фидокорликни кутмаган. Энг кийин пайтда у эгасини химоя кила олиш кобилиятига эга

эканлигини билмаган.

Пиримкул Кодиров киссага самимий баҳо беради: «Кисса қаҳрамони Зиёдулла — одийдӣ бир чӯпон. Унинг ўз оти Тарлонга бўлган меҳри — инсоннинг табиатга кўйган меҳридай соғ. Тарлон табиат тимсоли бўлгани учун ҳам ёзувчи уни ёркин бир образ даражасига кўтариб тасвирлайди... Зиёдулла ўзи яшаётган жойдаги каллоб ва риёкор одамларга карши дадил курашади. У хатто ўзидаги жисмоний нуксонга карши исён кўтаради, «кал» деган маломатни маънавий устунлик, мохир чавондозлик шухрати билан енгиб ўтади».

Фазилатлар «Ойдинда юрган одамлар» киссасида янада равshan кўринади. Хеч шубҳа йўкки, бу кисса — ёзувчининг энг гўзал киссаси. Миллий хаётимиз тасвирини ёзувчи оддингидан ҳам кизикарли, хаётий акс эттира билган. Қаҳрамонлари ўзбек китобхонига, ўзбек ҳалки хаётини яхши тасаввур кила оладиганларга жуда таниш, кадрдон туюлади.

Махаллийлик тўла миллийлик деб аташга лойик тарзда тасвирланиши мумкин. Ҳатто шундай бўлиши зарур. Бундай «махаллийлик» миллийлик ёки умуминсонийликка карши турмайди. Аксинча, асарни жонли килади, миллийликка янада ишонтиради. Ҳар кандай адабиётнинг тажрибаси бу конуниятни тасдиклаб туради.

Чингиз Айтматов кисса ва романларининг воеалари, қаҳрамонлари киргиз миллий хаётига тўгридан-тўгри боғланиб кетган. Унинг асарлари киргиз миллийлиги сифатида ёркин таассурот колдиради. Лекин Чингиз Айтматов Киргизистоннинг ҳамма вилоятларидаги киргизларга хос турмуш тарзини ва характерни умумлаштириб юборган эмас. Айникса, киргиз китобхонлари унинг асарларидаги қаҳрамонларнинг кайси ерлик киргизларга кўпроқ тегишлилигини билиб, сезиб туришади. Саид Аҳмад асарларида водийлик ўзбекларга хосликни, Ўтқир Хошимовда шахарлик, айникса, тошкентликларга хосликни, Шукур Ҳолмирзаевда Бойсун воелигига хосликни кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси миллийликни бўгиб кўймайди, балки тўлдиради. Миллийликни кенгрок, мукаммалрок, туб илдизлари билан тушупишга ёрдам беради. Ҳудди шунингдек, илгор махаллий аникликларнинг миллийликка, бинобарин, умуминсонийликка зид келмаслигини ёркин исботлайди.

«Ойдинда юрган одамлар» киссасининг бош қаҳрамони Коплондир. У ҳам «От кишинаган оқшом»даги Зиёдулла чавондозга ўхшаган меҳнатсевар, дангал, танти, самимий, ўз ерини, табиатни яхши кўрадиган бир киши. Коплоннинг хаёт йўли деярли бошдан охиригача жозибали тарзда хикоя килинади. У Оймомо деган кизни севиб колган. Севганига етишади, уни ардоклайди. Оймомо ҳам хаётини Коплонсиз тасаввур кила олмайди. Лекин ёзувчи «ўлдим-кўйдим» тасвир ваъда килмайди. Севги, мухаббатга оид сўзлариз, хаётий лавхаларда, қаҳрамонларнинг хаёлий гап-сўзларида, харакатларида ёркин севгини кўрсатади. Коплон ва Оймомо фарзандсизлик догида яшайдилар. Ана шу кийнок, армон-азоб уларнинг тақдирида, руҳиятида кандай кечади? Кисса шу ҳакда.

Икки қаҳрамон умр бўйи фарзандли бўлишга чора излайди. Бу чора баъзан ички кечинмаларда, баъзан қаҳрамонларнинг амалий харакатларида. Уларнинг бир умр бирга бўлишлари ҳам азоб, ҳам завкли. Ҳакикий мухаббат эгаси эканликлари умр йўлидаги матонатларидан билинади. Киссада кўп йиллик, яъни бир умрлик воеалар тасвирланган. Воеалар кишлоқда рўй беради. Ҳар хил даврлардаги ўзгаришларни,

даврнинг тараккиёт хусусиятларини намойиш килади. Тўй тасвири, «тобок» оркали Сурхондарё тарафларга хос тўй хис килинади.

«Тўйга айт-айт. Кизлар келин тарафга, йигитлар куёв тарафга айтди.

Тўйхона тўла тўйловчи!

Кўчада болалар шовкин солди:

—Тобок келди, келиннидан тобок келди!

Дарвозада елкалари, бошларида дастурхон кўтарган аёллар пайдо бўлди. Улар келиннидан ўнта тобок олиб келди. Тобокларнинг бирида полов, бирида ковурма гўшт, бирида кайнатилган тухум, яна бирида ширгуруч...

Тобоклар даврага кўйилди. Тўйлбвчилар кўнгиллари тортганидан еди».

Келин-куёвларнинг кийинишида, тўйдаги урф-одатларида даврага нисбатан, махаллий турмуш тарзига нисбатан аник тасаввур уйгонади. Келин ва куёвнинг тасвиrlаниши шундай: «Куёв ошналари курсовида чимилдикка йўл олди. Оёгидаги пошнаси баланд, гирчиллок этик. Елкасида бекасам, белида тойи белбог...».

«Пойандозни бир-бир босиб келин келди. Устида бекасам камзул, атлас кўйлак.

Оёкларида ковуш, юзларида оппок харир...»

Урф-одатлар тасвирида хам шуни кўрамиз:

«Тўй охирлари. Ит гириллатар, кампир ўлди, соч сийпатар, кўл ушлатар, ойна кўрсатарлар бўлди.

Ойна кўрсатари кизик. Кайвони аёл келин-куёвга ойна тутди. Улар юзларини ойнадан олиб кочди. Келин караса, куёв карамади, куёв караса, келин. Кайвони аёл келин-куёвларнинг бошини ёнма-ён ушлаб ойнага каратди. Гапирмаганларигаям кўймади. Куёв келиннинг акси билан, келин куёвнинг акси билан пичирлаб гапиришди...»

Киссадаги тўй тасвирида «оёқ босди», «келин ош емади» сингари расм-русумлар бор. Халкона кўшиклар, шеърлар бор. Булар хам характерлидир. Коплон билан Оймомо кўп кийинчиликларни, шодлик кунларини бошдан кечиришади. Уришишади, ярашишади, изтироб чекишади, умид килишади, таскин топишади... Хаммаси табиий. Лекин хеч ким уларчалик садокатли туюлмайди. Чунки бошкача садокат, силлик муносабатлар асосига курилган севги, садокат, меҳр-окибат ишончсизdir. Хаётда шундай, чинакам бадиий адабиётда хам шундай бўлиши шарт. Уларнинг руҳий кечинмалари, хар хил юмушлари, гап-сўзларида махаллий кўриниш-холатлар идрок этилади. Ёзувчининг бу соҳадаги меҳнати, изланишлари юксак самара берганига ишонч хосил киласиз. Буларни шунчаки қузатмайсиз. Ёки шу махаллий халкагина хослик деб хулоса чикариб кўя колмайсиз. Ўзбекларнинг яна бир шундай хаёти хам борлигига ва бу хаёт хам самимийлиги билан умумий маънодаги ўзбек миллийлигининг бир кисми эканига инонасиз. «Ойдинда юрган одамлар» киссасининг шу сингари ўрганишга лойик жихатлари кўп.

Махаллий-миллий характер ва ёзувчи маҳорати. Бадиий адабиётнинг, унинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган прозанинг каҳрамонлари хакикий миллий характерлар даражасига кўтарилгандагина муваффакият козонади. Каҳрамонларининг миллий характерлар даражасида гавдалантирилиши бадиий асарда кўтариб чиқилган мавзу ва муаммога, тасвир кўлами ва гоя-хулосаларга bogлиq, албатта. Аммо асарнинг ютугини факат шуларнинг ўзигина таъминлай олади деб хулоса чикариш ўринсиз.

Миллий характернинг мукаммаллиги унинг канчалик дилтортар, ибратли, таъсирчан бўлмогига хам bogликдир. Bu ёзувчидан сўз санъаткори бўлишни, топкир бўлишни, бошка адиллар ижодидаги услугга таклид килмасликни, замонавий китобхонлар маънавий эҳтиёжини идрок эта билишни талаб килади. Бадий асарда ифоданинг маълум кўлами ва меъёри бўлиши керак. Унинг тили миллий тилнинг хамма катламларидағи бой хазинадан имконият ва эҳтиёж даражасида фойдаланилган холда ёзилганини кўрсатиб туриши зарур. Bu ўринда кандайдир меъёрни белгилаш лозим бўлади. Ёзувчи муайян образлилик иктидорига эга бўлиши даркор. Кўпинча насрий асарлар образлилик масаласида шеъриятга караганда чекланган бўлади. Айниқса, реалистик метода, а ёзилаётган асарда ёзувчи хамма-хамма нарсанинг хаётга якин бўлишини хоҳлайди. Романтикамага ортиқча эрк бера олмайди. Бунинг учун ёзувчи образлиликнинг шу вазифага мос тушадиган усусларидан фойдаланади. Кичик бир деталь, сўз, макол ёки ибора, табиат тасвирининг кўриниши ва қаҳрамоннинг унга муносабати, маълум бир мавжудотга, масалан, хайвонларга муносабат, кийиниши ёки миллий удумларга қаҳрамоннинг алокадорлиги каби холатларни акс эттириш шунчаки амалга ошавермайди. Хаммаси учун ёзувчидан юксак маҳорат талаб этилади.

Машхур ёзувчи Чингиз Айтматов ана шу маҳорат масаласи хакида шундай ёзади:

«Агар асар ўкувчининг калбини хаяжонга солмаса, унинг эстетик дунёсини бойита олмаса, унинг яхшиликка ва ёмонликка муносабатини ўткирлаштира олмаса, унда нималар айтилмасин, кандай ўта фойдали ва ўта мухим фикрлар изхор этилмасин, кандай тема ва проблемалар кўйилмасин, у хакикий санъат эмас. Бутун жаҳон жозиба (тортув) конунини менсимаслик мумкин бўлмагани каби санъатнинг бу конунини хам назар-писанд этмаслик мумкин эмас. Мазмун ва шакл бирлиқда санъат асарининг моҳиятини ташкил этувчи икки категориядир».

Шундай асарлар яратиладики, кўтарилилган масалалари, муаммолари, қаҳрамонлари жуда мухим кўринади. Ёзувчи янги ва керакли муаммоларни талкин этади. Лекин асарлар шу томони билан эътиборни жалб килиб ўкилса-да, тез унутилади ёки ўкувчини етарли таъсирантира олмайди. Бундай асарларда, Чингиз Айтматов ёзганидек, маҳоратсизлик панд беради. Ўзбек адабиётида ўртамиёна, бўш-саёз савияда ёзилган асарлар оз учрамайди. Масаланинг яна бир томони бор: адабиётшунослик ва адабий танкид илми бадиий намуналарга юксак талаблар асосида ёндашиши, бадиий намуналарга худли шундай талаблар кўйиши лозим. Аслида, хар кандай етук адабиёт мазмун билан шаклдорликдаги санъаткорликни талаб этади, иккита томонни уйгун олиб боради. Шарқ классик адабиётида асарга биринчи навбатда сўз санъати деб каралган. Шу томондан текширилган. Ёзувчи санъаткорлигини кўрсата олсагина, асари эътиборни тортган. Хар кандай бадиий асарда ёзувчининг бадиий маҳорати масаласи нихоятда мухим саналган.

Тогай Мурод асарларида миллий қаҳрамонларни, ёзувчининг ўзига хос маҳоратини кузатар экансиз, муаллифнинг бу соҳадаги ютукларини хис килиб, адабиётнинг талаб-вазифаларини чукур идрок килганини сезасиз. Асарларида дунёкараш, маънавият ва қадриятларга доир долзарб мавзу-муаммоларни кўтариб чикади, халқчил, жозибали акс этгаришга интилади. Иброҳим Гафуровнинг бу хакда куйидаги фикрлари бор: «Тогай Мурод бундай воеаларни таъсирчан килиб тасвиirlайди. Уларни чин маънода кўшик

килиб юборади. Унинг тасвири халк огзаки ижоди санъатининг энг яхши анъаналариға уланиб кетади, уларни янгича йўлда ривожлантиради. Сал эркинрок фикрлаб, уни прозанинг бахшиси десак, хато бўлмайди. Тогай Мурод кўз ўнгимизда ўз оригинал йўли ва услубига эга ижодкор каби шаклланиб бормокда. Бу адиб халкнинг кадимдан шаклланган урф-одатлари, расм-русумлари поэзиясини чизишга, уларнинг илтифот, назокат, ўзаро хурмат ва шу асосда мухаббатли бўлишга ундайдиган илгор томонларини очишга уста. У асосий эътиборини, кучи ва эҳтиросини шунга каратади ва шунда маҳорат кўрсатади. Ёзувчининг асосий эътибори шунда бўлгани учун унинг каҳрамонлари вактдан, ижтимоий мухитдан бир кадар ажралиб колгандай бўлиб туюладилар. Урф-одатлар канчалар поэтик кўтаринкилик билан тасвирланмасин, улар охир-окибатда каҳрамонларни тўла маънодаги замонавий кечинма ва интилишларга эга инсон каби тасвирлашга тўскинлик килар экан....» (Иброҳим Гафуров. Ўттиз йил изхори. Адабий ўйлар, маколалар. Т. Адабиёт ва санъат, 1987., 263-бет).

Бу ўринда, албатта, танкидчи кисса билан, ундағи тасвир усулининг ўзига хослиги билан боғлик объектив мулоҳазаларнинг маълум бир кирраларинигина ёритган. Иброҳим Гафуров киссанинг дастлабки вариантидаги баъзи камчиликларга тўгри шаъма килади. Дарҳакикат, «Ойдинда юрган одамлар» киссадаги каҳрамонлар дастлаб конкрет мухитдан бир кадар ажралиб колгандай туюлган эди. Ёзувчи киссага доир фаолиятини яна давом эттиради ва уни кайта ишлаб, камчиликларни бартараф этади.

Хар кандай адабий асар мунаккидлар. адабиётшунослар тахлил доирасига тушиши мумкин. Айрим ёзувчилар танкидни бегубор кабул килади, асарини ўзга нуктадонлар нуктаи назари билан кузатиб кўради. Баъзилар камчилигини сезса-да, асарни кайта ишламайди. Кайта ишлаш тажрибаси юксак иктидорли ижодкорлар тажрибасида хам кузатилган. Тогай Мурод «Ойдинда юрган одамлар»ни яратиш жараёнида шу холатни бошидан кечирди. Киссанинг баъзи камчиликлари ўз вактида, мухокамалар жараёнида кўрсатиб ўтилган эди. Масалан, киссадаги давр масаласида ёзувчи айрим чалкашликларни сезмаган. Асар маълум муадат кайта кўриб чикилгач, янада яхшиrok сифатларга эга бўлди. Эндиликда у аввалгидан ўқимишилидир. Ёзувчи Пиримкул Кодиров шу воеалар тўгрисида ёзган:

«Хайриҳоҳлик билан айтилган танкидий фикрлар Тогай Мурод учун катта бир сабок бўлди. Ёш адиб бу танкиддан тўгри хулоса чиқариб, «Ойдинда юрган одамлар» киссанини кайта ишлади, гоявий акцентларни ўз ўрнига кўйиб чиқди, эскирган урф-одатлар, нотанкидий тасвирланган жойларни кискартирди, янги замонга мос деталлар ва чизгиларни кўпайтирди. «Ойдинда юрган одамлар» киссанинг журнал вариантида давр, замон ноаник тасвирланган эди... Киссада эллигинчи йиллар билан йигирмачи йиллар коришиб кетганини муаллиф хам танкидий мулоҳазалар натижасида сезди ва бу нуксонни тузатиб чиқди» (Пиримкул Кодиров. Тогай Мурод киссалари. Сўнг сўз. Т., 1985., 156-бет).

«Ойдинда юрган одамлар»нинг эндиғи, охирги вариантини ўкиш янада марокли. Реаллик янада тиниклашган, каҳрамонларнинг жой-макон ва вакт-замонга кўра хатти-харакатлари ишонтираси. Мавхумликдан нишон-аломат йўқ. «Ойдинда юрган одамлар» нихоятда оддий, аммо мазмунида кандайдир рамзий ишораси бўлган лавҳа

билан бошланади. Адирда ёнбошлаб ётган бобо момога карата: «Кулок сол, момоси, кулок сол, каерданdir одам овози келяпти», дейди. Улар кулокларини еллар елаётган тарафга тутадилар, бобо овозни аник эшита олмагач, ўнг кафтини кулоги сиртига тутиб елпана килади. Чукур тин олиб, ойдинга тикиладилар. «Манов ёқдан, шекилли. Момоси, вактинг хушми? Эсон-омон юрибсанми? Тўрт мучалинг бутми... ? ».

«Сийрак адир» кенгликни, ўзимизга жуда таниш миллий-махаллий манзарани тасавур килдиради. Бобо нега одамларни сўрайпти? Улар такдирида «одамсизлик», одамга зорлик бор экан — буни кейин англаб, хаяжонланамиз. Нега улар бор вужудларини бериб, интизорлик билан сукунатга кулок

тутадилар, нечун одам овози эшитилгани рост бўлиб чикмайди — бунинг маъниси кейин очилади. Нима учун улар ойдинга тикиладилар. Ойдин — ёргулик, ёп-ёруг томоннинг ўзига хос рамзлари бор. Ойдин —бу умид, умидворлик, ойдин —булар мухаббатининг ёки калбларининг ойдинлиги ва бегуборлиги. Бобо нима учун ёнидаги кампиридан соглигини суриштиради. Энди кўришганми? Демак, улар хаётида айриликлар бор. Бобо нима учун бунчалар меҳрибонлик билан камшфининг соглигини сўради. Демак, тактирда айрилик, ажримлар бўлган бўлса хам, улар ўртасида самимий нимадир бор. Айрилик шу нимадирни кучайтирган. «Кандайдир» рамзийликнинг шу каби серкирра мохияти воеалар давомида ўкувчига англашилиб боради. Шу лавхадан кейин воеалар бевосита жонли вокелик тасвирига кўчади. Айрим жумлалар воеаларнинг 30-йилларда бўлаётганидан дарак беради. Совчиларнинг келиши, тўй жараёни воеалари энди сизни сюжетга бутунлай махлиё килади.

Коплон билан Оймомонинг меҳрга тўла муносабатларини, уларнинг рухиятлари, иффат-хаёларини тасвирлашнинг ёзувчи табиий йўсинини топа олган. Тўгридан-тўгри ишкий мулокотлар китобхонларни анча бездирган. Хўш, ёзувчи кандай ифода йўлини танлаган? У каҳрамонларини гоҳ хаёлан, гоҳ бевосита гаплаштиради, уларнинг муносабат тарзларини фикрлардаги тагмаънолар аён килади.

«...Тоғлар кулранг, кирлар кулранг, арчалар кўм-кўк. Адирлар ўркач-ўркач, ёнгоклар азим-азим, това тошлар улкан-улкан. Бир киз елкасида кўза кўтариб, булоқка келяпти. Ана кўзасини ерга кўйди. Булоқ сувларида юзини ювди. Сувда бир отликни кўрди. Рўмоли билан юзини яшириб, хаёланди.

- Кўзларингни яширма, Оймомо.
- Кетинг-кетинг, одамлар кўради.
- Булоқ сувларидан ичайнин деб келдим...
- Ичган бўлсангиз, энди кетинг.
- Кўзларингни бир кўрай деб келдим.
- Кўришга менинг кўзларимдан ўзгаям кўзлар кўп.
- Йўк, хар кимнинг ўз кўзлари бўлади, сенинг кўзларинг -меники. Майли, энди келмайман.
- Кўзларни деб келмасангиз хам, булоқ суви ичгани келинг...» Талай асарларда севишганларнинг очикча гап-сўзлари кўп. Улар кўпинча каҳрамонларнинг ички-рухий холат-туйгуларини чинакам ифода кила олмайди. Тогай Мурод каҳрамонлари—ўзига хос

иффатли одамлар. Шевага хос муносабат тарзида хам уларнинг миллий-махаллий жихатидан жонли эканлиги таъминланади. Баъзи вилоятларимизда аёл ўзига танмаҳрам эркакни-эрни исми билан ёки исмига «ака»ни кўшиш билан атамайди. Асарда шу хол қаҳрамонлар киёфасини тиниклаштиради:

- « — Гапир.
- Ўзи гапирсин.
- Сен гапир.
- Ўзи гапирсин-да.
- Нимани?
- Ўзимизнинг окшомларни, кирдаги бугдой ўримини.
- Сен гапир, кирдан кайтганимизда зардолилар остида тўхтаб, сенга зардоли териб берганимни.
- Ўзи гапирсин, кўллари зардоли шохларида бўлсаям, кўзлари менда эканини.
- Сен гапир, шамолда рўмолинг учиб кетгани, мен ушлаб келганимни.
- Ўзи гапирсин, рўмолга узатган билагимдан махкам ушлаганини, йиглайман десам-да, кўйиб юбормаганини».

Тўй тасвиридан ташкари ходисаларда хам ёзувчи хосликни муваффакиятли давом эттиради. Бир окшомда «кайлик ўйини»га борган Коплоннинг рухияти тасвириланар экан, Коплоннинг, Ойномонинг самимият ва фазилатлари, атроф-мухит манзааралари кўшиб ифода этилади. «Болалар шувиллак чалабериб, сибзик чалабериб» кулокларни битирган кун, кизларнинг халинчак учиши кабилар бош максад ва гояга, кечинмаларни юзага чиқаришга кулагай воситалар бўлиб воқеалар ривожига ўрнашади.

- « — Отини нима кўямиз?
 - Барчиной.
 - Сен хали...
 - Киз яхши-да. Менга ёрдамчи бўлади.
 - Йўқ, ўғил бўлсин. Отини хам ўйлаб кўйибман. Хушвакт.
 - Сўнг?
 - Сўнг уни катта киламиз. Ўйлантириб невара-чевара кўрамиз. Мен бобо бўламан, сен момо бўласан.
- Кайлиги завкланиб кулди.
- Мен бу кишини боваси деб чакираман.
 - Мен сени момоси деб...».

Бахшиёцалик ёзувчи нуткида хам хукмонлик килади. Асарнинг ўқилишини, тасвирининг тушунилишини, жозибадорликнинг кучайишини таъмин этади. Тандир тўла нонлар ёпилиши, келин бисоти, юк-ёлларининг отларга ортилиши, болаларнинг отларга мингашаман деб жанжал килишлари, баъзиларининг йиглаб колишлари, келиннинг гулхан атрофида айлантирилиши, таъзим килдирилиши, чимилдикдаги анжомларнинг кўринишлари тасвириларини муаллиф жуда завк билан, киска-лўнда, бегубор чизади. Шу жихатдан келиннинг узатилаётгандаги йиглашига багишланган автор нутки характерли:

«У йиги бошлади. Буни ўз уйини тарк этаётганидан, кариндош-уругларидан олислаб

кетаётганидан десак-да бўлади. Акаси, янгаси, жиянларининг кўнгли учун десак-да бўлади. Ё акам билан янгам биздан кутулишга зорманда экан, демасин деган андишаданми? Шундан десак-да бўлади. Ё куёвниги бораётгани кувончи, хушвактлигиданми? Айникса, шундан десак-да бўлади!».

Ёзувчи каҳрамонлари рухиятини очишда, хусусан, кечинма-хаёлларини чизища санъаткор. Ортиқча тафсилот, баёнлардан йирок. Уларни ўринли сўзлатади, халкона гапиритиради ва андишаларини мухитнинг бўлиши мумкин бўлган табиий ходисаларидан келтириб чикаради. Коплон билан Оймомо фарзандсизлик догида не кўйга тушишлари «зарур»дек туюлса, шуларнинг барида ёзувчи уларни «синаб» кўради. Коплон — самимий, покиза инсон. Адолатсизликка токати, галамисликни кўрарга кўзи йўк. Хаётда бундай одамлар халкнинг манфаатини ўз ташвишларидан устун кўйиб яшашади. Хеч нарсадан тап тортмайди. Аммо чукуррок ўйлаб кўрилса, бундай характерларнинг хам хилма-хил бўлишини фахмлаш унчалик кийин эмас.

Бу кайфиятнинг Коплондаги кўриниш тарзи кандай бўлиши мумкин эди? Коплон эгри хулкли бўлмиш котибнинг килгиликларини аник билади. Уни аягиси йўк ва аямайди хам. Аммо бемалол, ошкор унга карши бориши мумкин бўлган Коплон нега дадил харакат килмайди? Унинг кам фаоллиги кечиримли ва шу кечиримлилик унинг образини янада жонлантириб юборади. Коплоннинг ўз хаёлида ундан тили кисик, андишали жойи бор. Бир ўринда тегирмон тортишдаги навбатга эътибор килинмаганлиги хакида ва котибнинг киёфаси хакида хаёл суради. Билганини элга жория кила олмайди. Ёки шаштидан баъзан кайтади. «Исмат мироб Мамат билан тегирмонда навбат талашиб, бечорани кандай хўрлади? Йигирма йилдан бери аёлингни тугдиролмайсан-у, ўзингни эркак санайсан, сен... деб сўкди. Бундай гапни эшитгандан кўра ўлган яхши. Мен котибни сотсан, эшитиб колиб, кўпнинг олдида халигидай гапларни юзимга солса-чи?

Ундейлардан хар бало келади. Яхшиси, хали-хозир тилимни тийганим маъкул. Хушвакт ўглимиз дунёга келсин, ундейлар билан гаплашишни ўзим биламан!..» деб ўйлайди Коплон.

Тогай Мурод бир киссасини «Кўшик» деб номлаганда хам асарининг охангини назарда тутган эмас. Вахоланки, киссалари охангига кўра хам халкона кўшиклар мисоли таассурот билан ўкилади. Айникса, «Ойдинда юрган одамлар» кўшикдек. Бу киссани шартли равишда катта бир халкона «Кўшик» деб атагингиз келади. Бу оханрабо охангни адаб асарнинг бошидан охиригача мохирлик билан авжлантириб боради. Кўшик сехрини вужудга келтирган воситалардан бири хеч шубҳасиз сўз, ибора, жумла ва тасвиридаги ўхшатиш, шеърий санъатларнинг наслиёна кўринишлари хамда изчил тафсилотларнинг такрорларидир.

Услубий хосликнинг турлича мисоллари кўпайиб боради. Келин (Оймомо)нинг йиглашини нималарга йўйилгани тасвири, бу йўйишдаги автор нуткининг такрорлари накадар файзли! Ёки асар каҳрамонларининг түгёнлари, хаяжонларига муносаб тонг тасвирини олиб карайлик: Коплон амакимиз аёлининг жавобини беради. Сўнгра-чи? «Эслаш кўшиги авжига чикди: — Ха-а-ай-ай-ай...» Сўнгрок-чи? «Кўришув кўшиги поёнига етди. Кўшик ёввойи дарахтлар остида, эски сўқмокларда колди». Кейин-чи? «Алвидо кўшиги авжида! Кун тонгни ёкиб юборди...» «Алвидо кўшиги киёмда... Амакимиз алвидо кўшигини

бекаму-күст айтди. Умрида илк бор күшигига сүз ишлатди... Амакимиз алвидо күшигини бригадаларга бўлинаётган меҳнаткашларга караб айтди. Меҳнаткашларни биттадан байт билан кузатди. Меҳнаткашлар ишларига кўшикли бўлиб кетди».

«Бу—хайрлашув кўшиги, алвидо кўшиги! Тонглар бепоёндир, бепоён! Олис-олис уфкларда тонг. Боботог чўккисида тонг. Дегрез сув омбори узра тонг. Кишлок устида тонг. Богларда тонг. Терак учларида, баргларида тонг. Гала-гала чумчуклар парвозида тонг. Куйловчининг соколини, жийроннинг ёлларини силаётган салкин саболарда тонг. Кўшикда-да тонг!»

Асарда воқеалар ривожи миллий анъаналарнинг аник мухитга мансуб бўлган кўринишларини такоза килади. Тогай Мурод бу талабни етарли хис этади. Махаллий урф-одатларни тасвиrlайди. Халк шеър-кўшиклари киссага яна кўпроқ теранлик баҳш этади. Шундай сахифалардан бири «келин салом» воқеалари тасвиридир. Кайвони момо келинни тўйловчиларга кетма-кет салом бердиради.

«Байтлар кайвонидан, таъзимлар келиндан бўла берди:

Козонларнинг копкоги,

Аёлларнинг оппоги,

Мисли олма ёноги —

Гулсун опамга салом!..»

Даврада ўпкаланганларга хозиржавоб кайвони момо хазилнамо байтлар тўкиб ташлайди ва кулги кўтарилади:

«Тегирмоннинг новидай,

Адрес тўннинг богидай

Дароз акамга салом!..

Копга тиккан похолдай,

Индан чиккан шоколдай

Чўпон акамга салом!

Бўлди кулги.

— Кай уккагарнинг момоси-е, бекор ўпкалабман-а!»

Яна ибратлики, муаллиф воқеалар тасвири мобайнида асарнинг асл максад-муддаосини, мавзу-муаммосини эсдан чиказмайди. Бу нарса табиийликни кучайтиради. Оймомо ўй-рўзгор ишлари билан банд. У сигир согади. Коплон молларига карамоқда. Сигир, кўй согиш кўпинча кишлокларда кўшик билан амалга ошади. Лекин кўшик хар «ижрочи» дардини янгилайди хам. Бу психологик хаккониятни Тогай Мурод синчковлик билан илгай билган. Оймомо билан Коплонни шу дамларда хам фарзандсизлик доги-дардлари тарқ этган эмас! Килаётган завкли турмуш ташвиши, юмуш такозасига кўра сирирга айтиёттан кўшиги-хиргойиси ўз кўнгилларига махзунлик солиб кўяди. Негадир халигача тугилмаётган Хушвактини эслатади, ўксиниб пинхона йиглашга мажбур килади. «Опамиз совликни сога бошлади:

Эсли молим, окилим, турей-турей,

Елкамдаги кокилим, турей-турей.

Шунча молнинг ичида, турей-турей,
Богда очилган гулим, турей-турей...

Совлик иди. Кўзисига тумшик чўзди. Акамиз кейинга тисарилиб, кўзини холислатди.
Акамизнинг кўнгли Зирён бўлди. Соколи селкиллаб, Хушвактнинг ишигаям ўзи юрибди...

Кўй ичида корасан, турей-турей,
Акллисан, доносан, турей-турей.
Агар боланг олмасанг, турей-турей,
Бозорларга борасан, турей-турей...

Опамиз туриб, имо килди. Акамиз кўзини кўйиб юбориб, опамизнинг изидан юрди. Уйга
кириб, ўзини кўрпачага ташлади. Ёстик хўл бўлди.»

Икки каҳрамоннинг дард-изтироби тадрижи тобора чукуррок очилиб боради.
Мушкулликнинг кўламини сахифаларни ўқиган сайин аникрок идрок эта борамиз.
Оймомо билан Коплоннинг дарди-доги бизга кўча боради. Уларга хайриҳох бўламиз,
мехрибонлик килгимиз, ёрдам бергимиз келади. Бехад ачинамиз.

«Ховли юзидағи сўрида ётган Оймомо опамиз сесканиб уйюнди. Кораялангбош туриб
ўтириди. Болишда ёйилиб ётган рўмолини ёпинди. Тиззаларини кўрпа сиртидан
кучоклади. Уйкули кўзларини укалаб, теваракка аланглади. Ой коронги, юлдузлар
сийрак. Хамсоғи Хожарнинг гўдаги бигиллаб йиглаяпти. «Келиб-келиб шу маҳалда
йиглаганини. Кўргани ўғилми, киз? Киз! Босмалим ўйнади-ку...

Эснаб, мингиллади:

— Киз бўлсаям майли.

Кабатидаги акамиз уйгониб, ўгирилди:

— Нима бало, эловраяпсанми?..

Опамиз ётиб, кўзларини юмди. «Хали тонг олис. Тушимнинг охирини кўраман. Шунда
кизимнинг отини билиб оламан...»

Киссада каҳрамоннинг хаётый, жонли киёфаларини хар томонлама далиллайдиган
холатлар анчагина. Холатлар тасвирлари бир-бирини давом этгиради, мантикан
бир-бирини тўлдиради, фарзандсизлик туфайли чекилаётган изтироб-аламларнинг
накадар узликсиз, мудхишлигини хис этгиради.

Маълумки, образларни кўп сонли кигобхонлар каҳрамонларига айлантириш хар кандай
ёзувчининг максади. Ёзувчи шу ниятда ижод килади. Бунинг уддаскдан чикиш осон эмас.
Ёзувчилар ўзлари учун севимли бўлган образларни ўкувчилар учун севимли килишнинг
турли-туман воситаларидан фойдаланади. Каҳрамоннинг характерини миллий
жихатдан ишонарли килиб яратишга тиришади. Уларнинг хар бир хатга-харакати
китобхонда шубха, эътиroz ёки жозибасизлик аломати тугдирмаслигига эришишни
хамиша эсдан чикармасликка интилади. Ёзувчи хатгоки ўзининг меҳрини
яшириш-яширмаслик имкоњшатларини ўринли меъёрлаштириши керак. Адабиёт асарлари
оламида бу холатнинг хилма-хил тажрибалари бор. Хар кандай усулда хам ёзувчи
махоратли эканини кўрсата олса, максадига эришиши мумкин. Баъзи адибларда

ёзувчининг ўз севимли каҳрамонига айрича мухаббатини кўрамиз. Абдулла Кодирийнинг Отабек, Кумуш, Зайнаб, Анвар, Раъно образларига меҳрини сезиш кийин эмас. Бу—шу йўналишнинг ўзига хос юксак намунаси. Шукур Холмирзаев ижобий каҳрамонларига бефаркдек, холисдек. Ўкувчи яхши-ёмонни ўзи ажратиб олади-да, дегандек.

«Ойдинда юрган одамлар» киссасида Тогай Мурод тамоман бошка йўл танлайди. Оймомо ва Коплон исмларий кам тилга олинади. Айникса, Коплон деган исмни китобхон кам учратади. Натижада Коплон исми китобхоннинг хотирасидан кўтарилишгача боради. Лекин бош каҳрамонларнинг—Оймомо ва Коплоннинг киёфаларини бизга янада жонлантириб кўрсатадиган, нафакат хаётийлантириб турадиган, балки якин кадрдонларимизга айлантириб юборадиган бошка воситалар бор. Тогай Мурод уларни гоҳ «опамиз», «акамиз» деб, гоҳ «опамиз», «амакимиз» деб, гоҳ «бобомиз», «момомиз» деб тасвиrlайди. Бу услубий жихат ўкувчини ўзига хос койил килади: даврлар ўтаётганлиги, каҳрамонлар ёши улгая бораётганлиги, улар дардлар изхорининг хам ўзгачалашиб бориши англана боради. Бундаги жараёндан яна ёзувчи услугуга хос ўз ардоги, мухаббатини, каҳрамонларини ўкувчига севшсли килишдек эзгу ниятини пайкаш кийин эмас. Коплон билан Оймомони ёзувчи хамроҳлигига китобхон опамиз ёки акамиз, бобомиз ёки момомиз билиб кузатиб боради. Мана шундай лавхалардан бири:

«Бобомиз кафти билаи ковжирок хасларни пайпасладилар. Момомиз шу ёнида ўтиришлари лозим. Озиш панжаларини хавода очиб юмдилар.

Ой сузилиб бокяпти.

— Эсингдами, момоси, ўшандаям ой ёруг эди. Мен жийронни жилдириб келайин, момоси. Сен ўтириб тур. Кўркмайсанми ўзи?

Бобомиз адирдан эндиilar. Ариқдан хатлаб, йўнгичкапоя оралаб юрдилар».

Момонинг ўлимида кўни-кўшнилар, хамсоялар, кишлокдошлари «энамов», «холамов», деб йиглашади. Бу биз учун хам мудхиш айрилик бўлиб туюлди. Ёзувчининг, у тасвиrlаётган одамларнинг нуткаи назарига бизнинг туйгуларимиз кўшилиб кетади. Ёзувчи каҳрамонини кутилган даражада кадрдонлаштириб улгурган эди.

«Ховли одамга лик тўлди. Катга-кичик, ёшу кари — бори келди.

Осмондага кирк юлдуз Киялаб кетади ботгани. Вой, момомов-в, момомов-в. Мен момомни бир ўпай, Киёмат кетади ётгани, Вой, момомов-в, момомов-в!

«Момомиз сўнгги манзилга покизагина бўлиб, оппок сурпга ўралиб жўнадилар.

Тобутгаям ок сурп ёпилди. Тобут одамлар кафтида калкиб-калкиб жўнади. Одамлар тобутга талпинди. Бари тобутни беш-олти одим кўтариб бориш, акалли кўлини тегизиш пайида бўлди. Ниятига етгандар бурчини бажарган бўлиб, тобутга эргашиб борди».

Коплон билан Оймомо самимий одамларнинг ардогига сазовор бўлишади. Улар ўзаро меҳр-окибати, одамларга бўлган самимиятлари, меҳнаткашлига, халқпарварлиги, халолликлари, дард-изтароблари туфайли элнинг севимли кишиларига айланиб колишади. Шунинг учун уларга ўзларини якин олганлар момонинг ўлимидан кейин ўзларини азадор хисоблашади. Бу асардан тугиладиган китобхон хаяжонини янада кучайтиради. Шу жихатдан адир айланиб юрган болалар сухбати эътиборга лойик:

« — Энам кора кийиб юрибди.

— Менинг энам хам. Отам бир куни янгарок кийимини кийиб шахарга бормокчи бўлиб эди, энам уришди, одаммисиз ўзи, деди.

Отам фаросатсизлигидан ўзиии койиб, яна кора кийди.

- Биз хам кора кийимларимизни кийиб юрибмиз.
- Энам такинчоклариниям сандикка солиб кўйди, укаларим окшомлари ашула айтиб ўйнарди, энам уриттди. Азалимиз, бованг эшитиб колса, нима деган одам бўламиз, деди.
- Энди момомизнинг кирки ўтгунча шундай бўлади...
- Момомизнинг вафоти куни сен хам йигладингми?
- Бўлмасам-чи. Уни айланиб, момомлаб йигладим...
- Мен энамлаб йигладим».

Тогай Мурод дастлабки асарларидаёк элнинг назарига тушиб, адабий жамоатчиликда унинг ижодига кизикиш пайдо бўлди. Сафдошлари орасида ўзига хос бўлди. Таникли ёзувчи Одил Ёкубов носирларнинг ижодлари хакида ёзиб, шуларни таъкидлаган эди: «Мен Эркин Аъзамов хакида гапирдиму, ўйланиб колдим. Бугунги ёшлар ижоди хакида ёзиш хакикатан хам осон эмас экан. Бундок ўйлаб карасам, илк хикоя ва киссалари билан тилга тушиб колганлар мен ўйлагандан хийла кўп экан. Хакикатан, бутунги ёш носирлар тўгрисида фикр юритганда Хайркадин Султонов билан Тогай Муродни, Ориф Фармон, Нортўхта Киличев, Сотовлди Ражабовларни четлаб ўтиш адолатдан бўлмас. Айникса, Хайриддин Султоновнинг ёшларга хос ёруг туйгуга йўғрилган хикоялари ва Тогай Муроднинг ўзига хос тил ва ўзига хос услугуб билан битилган «Юлдузлар мангу ёнади» киссаси диккатга сазовордир» (Адабиёт ва замон. Маколалар, адабийўйлар, сухбатлар, 1981, 36-бет).

Ёзувчининг маҳорат белгиларини кўрсатиб турадиган томонлар «Ойдинда юрган одамлар» ва бошка киссаларида анчагина. Каҳрамонлар меъёрий даражада ўз шевасида гапиришади. Албатга, шева сўзлари оркалигина миллий колорит ва жонлиликни тўла таъминлаб бўлмайди. Шунингдек, бунда муайян мўлжалу меъёрни билиш ва унга амал килиш керак бўлади. Йўқса, китобхон зерикипш, хаддан ортиклик унинг ШЦКГйтепшга мумкин. Тогай Мурод асарлари бу масалада хам ибратлидир. Халкона сўзлашув, сода, алиқ ва кискалик, маколлар ва иборалар, буларнинг нихоятда ўринли кўлланишлари ёзувчининг киссаларига бетакрор латифлик багишланган.

Тогай Мурод услубининг яна бир ўзига хос томони автор тили билан бөглиқ. Ёзувчи воеаларнинг мохияти-охангига мос равишда ифода тилини топади. Кўпинча лўнда, киска, равон, содда жумлаларда хикоя килади. Баёи ёки ортикли тушунтиришлардан йирок. Унинг ифодасидаги сўзлар, иборалар, фикрларнинг маълум такрорлари кўзланган максад-мохиятни кучайтиришга йўналтириллади. Тогай Мурод асарларидаги хамма фазилатлар ажойиб бир охангни — бахшиёна охангни вужудга келтирган.

Тасвир изчиллиги айни чокда Коплон характеристидаги кечинма ривожига жуда-жуда уйгундир. Ажралиб-ажрала олмаслик замири интихосида эса синалиб келаётган меҳр-мухабbat бор бўлиб чикади. Тогай Муроднинг теран ифода кобилиятини, ёқимли услубини яккол кўрсатиб турадиган киссалари элнинг ардогида колди, адабиёт намояндадарининг эътирофини козонди. Бунинг бир жихатини шоир Сирожиддин Сайид бир шеърида шундай ифода әтган:

Бу болалар гурур бор деб олишади,
Пул учунмас, номус, ор деб олишади,

Амир Темур кони бор деб олишади,
Ори йўклар ушбу элга ўглон эмас.

Алпомишдан мерос колган жуссаларин,
Кўриб дилдан кетгай бор-йўк гуссаларинг,
Сўйлаб юрар Тогай Мурод киссаларин,
Уйлари хам эл катори, кўргон эмас!

Тохир Шермуров
2000 йил